

**ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАРДА  
ТАЙИНЛАНАДИГАН ЭКСПЕРТИЗАЛАР ТУРЛАРИ ВА МАЗМУНИ  
TYPES AND CONTENT OF EXPERTISE ASSIGNED IN CASES RELATED  
TO ROAD TRAFFIC ACCIDENTS**

**ВИДЫ И СОДЕРЖАНИЕ ЭКСПЕРТИЗ, НАЗНАЧАЕМЫХ ПО ДЕЛАМ,  
СВЯЗАННЫМ С ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНЫМИ  
ПРОИСШЕСТВИЯМИ**

---

*Бекмуродов Абдувоҳид Абдуманон ўғли  
Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуриданги  
Тергов бошқармаси кадрлар гурӯҳи катта инспектор,*

**Аннотация:** Ушбу мақолада муаллиф йўл транспорт ҳодисаси тушунчасини, келиб чиқиши сабабларини, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатларда экспертиза тайинлашнинг ўрни ва аҳамиятини, тайинланиши лозим бўлган экспертизалар турларини ёритиб, мавзуни таҳдил қилган.

**Аннотация:** В данной статье автор проанализировал тему, уточнив понятие дорожно-транспортного происшествия, его причины, роль и значение назначения экспертизы по делам, связанным с дорожно-транспортными происшествиями, виды экспертиз, которые должны быть назначены.

**Annotation:** In this article, the author analyzed the subject by clarifying the concept of a road traffic accident, its causes, the role and importance of the appointment of expertise in cases related to road traffic accidents, the types of expertise that should be appointed.

**Асосий тушунчалар:** йўл-транспорт ҳодисаси, қўзғалмас нуқта, тўқнашув нуқтаси, йўл, автотехника экспертизаси, хавф зонаси.

**Основные понятия:** дорожно-транспортное происшествие, стационарная точка, место столкновения, дорога, автомобильная инженерная экспертиза, опасная зона.

**Basic concepts:** traffic accident, stationary point, collision point, road, automotive engineering expertise, danger zone.

Ҳозирги кунда йўл транспорт ҳодисалари тез суръатда ошиши ЙТХ билан боғлиқ ҳоларга жиддий ёндашишимизни талаб қилмоқда. ЙТХ билан боғлиқ ҳолатларда хақиқатни аниқлаб, айборлар учун жавобгарликни муқаррар эканлигини таъминлаш тергов органининг асосий вазифасидир. Айниқса бу борада экспертизалар ўтказишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

**йўл** — транспорт воситалари қатнови учун қурилган ёки мослаштирилган ва худди шу мақсадда фойдаланиладиган ер минтақаси ёхуд сунъий ишоот

юзаси. Йўл ўз ичига автомобиль йўлларини (умумий фойдаланишдаги ва идоравий автомобиль йўлларини), шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ва йўлкаларини, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларини олади;

**йўл-транспорт ҳодисаси** — транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар этишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса;

**ҳалок бўлган шахс** — йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳодиса жойида ёки унинг натижасида ўттиз сутка ичидан ҳалок бўлган шахс;

**тан жароҳати олган шахс** — йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида тан жароҳати олиб бир кундан ортиқ муддатга стационар тарзда даволаниш учун шифохонага ётқизилган ёхуд биринчи тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг тиббиёт муассасасига қатнаб амбулатор тарзда даволанаётган шахс.

**суд экспертизаси** — фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги маҳсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат;

Охирги йилларда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо шунга қарамай, бу борада ижобий ўзгаришлар кўп, деб бўлмайди. Ачинарлиси, айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини бузишда давом этаётир.

Бундай шароитда баъзи мутахассис ва эксперталар жазони янада кучайтиришни таклиф қилаётir. Бироқ бу билан асосий мақсадга эришиш мушкул. Демоқчимизки, барча йўл ҳаракати қатнашчиларида юксак хуқуқий маданиятни шакллантирмасдан туриб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиб бўлмайди.

**Автомобиль шиналари изларининг экспертизаси**-Автотранспорт воситалари ғилдиракларининг одам танасидан бошқа жойда қолган излари бу экспертизанинг обьекти ҳисобланади. Ғилдирак изларидан ташқари гипс ёрдамида олинган ғилдирак изларининг ҳажмли нусҳалари ҳам тадқиқот обьекти бўлиши мумкин. Одам кийимида ёки воқеа содир этилган жойда топилган ғилдирак изларининг фотосуратлари ҳам текшириш обьекти ҳисобланади.

Автомобиль ғилдираги изларининг экспертизаси ҳозирги кунда қўйидаги саволларни ҳал қиласди:

Тадқиқот учун юборилган обьектда (масалан, жабрланувчининг кийимида) транспорт воситаси протекторининг излари борми?

Қолдирилган протектор излари қайси турдаги транспорт воситаси (юк ташувчи, енгил, трактор)га тегишли?

Қолдирилган протектор излари қайси моделдаги шинага тааллуқли? Қолдирилган из протектор изларига тааллуқли бўлса, экспертизага тақдим қилинган ғилдирак шинасидан қолганми?

Экспертизага тегишли изоҳнома билан текшириладиган объект (кийим, изнинг гипсли нусхаси) ҳамда идентификацион масалани ечиш учун изни қолдирган деб тахмин қилинган шина юборилади.

Суд-автотехника экспертизаси Республикаизда автомобиллаштириш жараёни тез ривожланаётгани йўл - ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласини долзарб қилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда ҳуқуқий механизмлар сезиларли ўрин эгаллайди. Йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТҲ) ҳолатларини белгилашда маҳсус билимлардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятлидир. Шунинг учун суд автотехника экспертизалар иш ҳолатларини белгилаш ва одил судловни амалга оширишда муҳим далил воситаси ҳисобланади. Йўл-транспорт ҳодисалари асосан қуйидаги турларга бўлинади: – пиёдаларни уриб кетиш; – транспорт воситаларнинг тўқнашуви; – транспорт воситаларининг ағдарилиши; – қўзғалмас тўсиқларни уриб кетиш; – номеханик транспорт воситаларини уриб кетиш; – транспорт воситаларидан йўловчиларни йиқилиши. Транспорт воситасининг техникавий ҳолатини, воқеа содир бўлган жойдаги йўл вазиятини ва воқеа иштирокчиларининг ҳаракатини, шунингдек воқеа юз беришига сабабчи бўлган ҳолатларни белгилаб берувчи, йўл-транспорт ҳодисасининг механизми (жараёни) билан боғлиқ бўлган ҳақиқий маълумотлар автотехника экспертизаси тадқиқотининг предмети ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисаси механизмини математик услублар билан тадқиқ этиш экспертизаси Йўл-транспорт ҳодисаси механизмини математик услублар билан тадқиқ этиш экспертизаси ҳодиса жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тадқиқ қилишга қаратилган. Ушбу экспертиза предметини йўл транспорт ҳодисасининг фактик (ҳақиқий) ҳолатлари ташкил қиласи.

**Транспорт воситасининг техник ҳолати экспертизаси** - Транспорт воситасининг техник ҳолати экспертизаси предмети бўлиб йўл транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги фактик маълумотлар ташкил қиласи. Йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситаларининг техник ҳолати аниқланиши лозим бўлган асосий қисмлари уларнинг ҳаракат хавфсизлигига таъсир қилувчи тормоз тизими, рул бошқаруви, ҳаракат қисми ва ёритиш тизимиdir. Транспорт воситасининг техникавий ҳолатини аниқлашнинг ўзига хос ҳусусияти бевосита транспорт воситасини ёки унинг алоҳида қисмларини кўздан кечириш ва тадқиқ қилишни талаб қиласи. Транспорт воситасининг техникавий ҳолатини аниқлашда ҳар доим

ҳам иккинчи маротаба тақрорлаш имкони бўлмаслиги мумкин, чунки кўп вазиятларда бирламчи тадқиқотлар текширилаётган қисмнинг дастлабки ҳолати ўзгаришига олиб келади.

**Суд-транспорт-изшунослик экспертизаси-** Транспорт воситаларининг текширилаётган ҳодисага тегишлилиги ва ҳодисанинг умумий жараёнини тадқиқ қилиш суд-транспортизшунослик экспертизасининг мавзусидир. Суд-транспорт-изшунослик экспертизаси обьектларига транспорт воситаларидағи жароҳатлар, жиной иш материаллари (ҳодиса бўйича тузилган бирламчи хужжатлар, айrim ҳолларда суд-тиббий экспертиза хулосалари, воқеа жойи ҳамда транспорт воситаларининг суратлари) киради. Транспорт воситаларидағи шикастларнинг ҳосил бўлиш механизми, транспорт воситаларининг ҳодиса пайтидаги бир-бирига нисбатан ҳолатлари, тўқнашув йўл қатнов қисмининг қаерида ёки қайси томонида содир бўлганлиги, тўқнашув вақтида транспорт воситаларининг статик ёки динамик (турган ёки ҳаракатда бўлган) ҳолатини аниқлаш криминалистика ва автотехника соҳасидаги билимлар асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб ушбу экспертизалар ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида кўрсатилган

**Ҳақиқатни аниқлаш** принципи талабларидан келиб чиқиб, “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиласидиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинниши лозим.” Коидасини рўёбга чиқаришга хизмат қиласиди.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2011 йилдаги “Йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 303-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 18 ноябрь кунидаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Суд экспертизаси: саволларни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари ўқув қўлланма муллифлар: Т.Рустамбеков, М.Қаландарова, Н.Қурбонов. Тошкент-2021 й 46-476.
4. “Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисида”ги 2023 йил 31 январь кунидаги қонуни.

#### **Фойдаланилган интернет ресурслари:**

1. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [www.olrysud.uz](http://www.olrysud.uz)
4. [www.akadmvd.uz](http://www.akadmvd.uz)
5. [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)